


# ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь кuni амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрига келди.



Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбари Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Хожамират Гелдимирадов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Ашхобод шаҳрига келгач, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисини тарихий сана — доимий бета-рафликнинг ўттиз йиллиги билан самимий табриклади ҳамда ушбу муҳим воқеага бағишлаб эртага ўтказиладиган халқаро форум ишига муваффақиятлар тилади.

Суҳбат давомида Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини, биринчи навбатда, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, маданий ҳамда гуманитар соҳаларда янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти ва қардош халқини мамлакат бетарафлиги эълон қилинганининг 30 йиллиги, ушбу муҳим санага бағишланган халқаро форум юқори савияда ташкил этилгани ҳамда 2025 йил “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилингани билан самимий табриклади.

Туркменистон Президентининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклигини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш қарийб бир миллиард долларга етди. “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юк ташиш ҳажми 30 фоизга ошди, жумладан, Туркманбоши порти орқали етказиб бериш фаоллашди. Гуманитар ва ҳудудлараро алмашинувлар давом этмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши ва Ҳудудлар форумининг бўлажак йиғилишларида савдо ҳажмини кarrасига ошириш ҳамда иқтисодийёт тармоқлари, хусусан, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали илгари суриш бўйича таъсирчан чоралар кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

# ЎЗБЕКИСТОН – ПАРАГВАЙ: МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья 11 декабрь кuni расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Олий мартабали меҳмонни “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Қўчқоров ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Кўксарой қароргоҳида Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пеньяни кутиб олиш маросими бўлди.

Шу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказдилар.

Ўзбекистон билан Парагвай ўртасидаги амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Парагвай раҳбарини самимий қутлар экан, Лотин Америкаси давлати Президенти томонидан Ўзбекистонга илк бор амалга оширилаётган ушбу ташриф тарихий аҳамиятга эга эканини қайд этди. Мазкур саммит икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда янги даврни бошлаб бериши таъкидланди.

Музокараларда икки томонлама ҳамкорлиқни, жумладан, савдо-иқтисодий,

маданий-гуманитар, таълим ва бошқа соҳаларда кенгайтиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдони кўпайтириш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, рақамлаштириш, туризм ҳамда спорт соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва ўзаро манфаатли соҳаларда амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштиришга тайёргилини тасдиқладилар.

Бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья Қўшма баёноти имзоладилар.

Шунингдек, етакчилар ҳузурида Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиши доирасида бозорга кириш масалалари бўйича икки

томонлама музокаралар якунлангани тўғрисидаги баённома ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашув механизмининг йўлга қўйиш тўғрисида ўзаро англашув меморандумини имзолаш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон билан Парагвай ўртасида олий даражадаги музокаралар якунланган, Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда шерикчиликни мустаҳкамлашга, икки томонлама муносабатлар тарихида янги саҳифа очишга ўзаро қатъий интилишнинг рамзи сифатида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Сантьяго Пенья биргаликда Фахрий меҳмонлар хёбонида дарахт экидилар.

Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пеньянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

З.ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири



МУҲАММАД АББОС ХОН

ЎЗБЕКИСТОН:  
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС —  
ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПТИ

## Тақдимот

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида покистонлик ёзувчи ва журналист Муҳаммад Аббос Хоннинг “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” номли китобининг ўзбек тилидаги наشري тақдимоти бўлиб ўтди.

# ЎЗБЕКИСТОН: УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПТИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис палаталари вакиллари, Покистон Президенти маслаҳатчиси ва матбуот котиби Муртазо Соланги бошчилигидаги делегация аъзолари, вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Урду тилида ёзилган ушбу асарда Президентимиз илгари сурган Учинчи Ренессанс ғоясининг мазмун-моҳияти бадий-публицистик услубда очиб берилган. Муаллиф концепциянинг маърифат, тинчлик, мулоқот ва инсониятни ҳамкорликка чорловчи юксак қадриятларга таянган ҳолда глобал ўзгаришлар фалсафасини чуқур ёритган.

“Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс — тараққиёт концепти” китоби “Янги давр тасодифан шаклланмайдиган. Аввало, у инсон шурида уйғониб, кейин ҳаётимизда намоён бўлади” деган фикрлар билан бошланади.

“Ғоялар бу абстракт тушунчалар эмас, балки тарих йўналишининг ўзгаришига қодир улкан кучдир. Ўзбекистон Президенти жаноб Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Ренессанс концепцияси шунчаки ғоя эмас, балки инсонпарварлик, маърифат ва таълимга асосланган аниқ амалий дастурдир. Унинг максаси — барқарор ривожланиш ва фаровонликка эришиш, кенг маънода эса адолатли ва самарали жаҳон тартибини барпо этишдир”, деб таъкидлайди Муҳаммад Аббос Хон.

➡ Давоми 2-бетда



## Нуқтаи назар

# ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ВА МАЪНАВИЯТ

## ёхуд глобаллашув шароитида пайдо бўлаётган ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Кўхна тарихга назар ташлаб, баъзан хайрон қоласиз: одамлар, халқлар, давлатлар, цивилизациялар тарихи шу қадар мураккаб, зиддиятли, қарама-қаршиликларга бойки, тараққиётнинг омили ҳам ана шу муаммоларнинг мавжудлигидадир деган хулосага келасиз киши. Чунки одамзод тараққиётнинг барча босқичларида ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзини такомиллаштириш, янгиликларга интилиш жараёнида ўзига хос қийинчиликлар, зиддиятли ҳолатларни тинимсиз енгиб ўтиш, янгиликларни ихтиро қилишга интилган. Натижада бугун барча хайрон қоладиган даражадаги цивилизациялар кашф этилган.

Авваллари одамлар ҳаёти кўп ҳолларда бир текис, эволюцион тарзда ривож топган бўлса-да, инсоният тараққиётининг кейинги даврларида илм-фан, таълим соҳаларида эришилган ютуқлар сабаб бу жараён тезлаша бошлади. Дастлабки даврларда инсоният турмуш тарзи, ҳаёшаматлик ҳолати арифметик ўсиш бўйича яхшиланиб борган бўлса, бугунги кунга келиб, геометрик прогрессия асосида тараққий этиб бормоқда.

Инсон ҳаётини барқарорлаштириш, турмуш тарзини такомиллаштириш учун бугун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Шунга мос тарзда ҳаётимиз ҳам ҳаёшамлик нуқтаи назаридан, жисмоний меҳнатни енгиллаштириш асосида яхшиланиб бормоқда. Мазкур



мақолани ёзиш пайтида жадид бобомиз Исоҳқон тўра Ибратнинг “Танланган асарлари”даги қуйидаги сатрларни ўқиб қолдим: “Маданият хотирага ўхшаган янги таомил, янги сўз, янги хат жорий бўлиб, эски нимарсалар, диний ишлар, бўлаклари ҳаммаси билкул қолиб, янги юриб кетар эканлар... Уйингизда ҳозир турубдур аён... чунончи: чироқ қолди — лампа (чикди), чақмоқ қолди — гурғурд (чикди)... чойёғиш қолди — чойнак (чикди), қумғон қолди — самовар (чикди) ва ҳоказо янги нимарсалар қўб жорий бўлиб қолган”.

Хўш, биз мазкур иқтибосни нега келтирдик? Бунинг жиддий сабаби бор. Агар биз бугун фарзандларимизга бундан аттиги юз йил олдин ўзбек халқининг турмуши, ҳаётида бобомиз санаб ўтган нарсалар янгилик эди, авваллари аждодларимиз бугунги турмушимизда зарур бўлган электр асбоблари, жисмоний меҳнатни енгиллаштирувчи асбоб-ускуналар бўлмаганди десак, улар хайрон бўлиши тайин. Ҳақиқатан, ҳаётимиз, турмуш тарзимиз ниҳоятда катта тезликда

ўзгариб бормоқда. Инқилобий технологиялар туфайли яна 30-40 йиллардан сўнг бизни нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Демак, инсониятнинг моддий соҳасидаги ўзгаришлари тинимсиз тараққий этиб бораверади. Бундай тараққиёт, ўз навбатида, маънавият ва тафаккур оламига ҳам жиддий таъсир этмоқда. Бу эса бугун барчамизни ўйлантираётган, инсониятнинг бундан кейинги тақдирини ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган омил — маънавият, маданият, тарбия масалалари долзарблигини янада оширмоқда.

Шахс тарбияси, унинг маънавияти, юксак ахлоқ масалаларида қанчалар кўп диққат қаратганимиз каби кўпбиз зарарли таҳдидлар, мафкуравий-ғоявий босимлар ҳам урчиб бораётганини унуттишга асло ҳаққимиз йўқ. Инсон шахсиятини бузиш, минг йиллар мобайнида шаклланган эзгу ғоялар, бунёдкор мафкуралар, одамларни фақат яхшилик, ўзаро ҳамкорликка бошловчи тарбия тизимига қарши кураш ҳам янги шакл ва мазмунга эга бўлиб бормоқда. Президентимиз “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” китобида қайд этганидек, “Янги Ўзбекистон мафкураси — эзгулик, одаимийлик, инсонпарварлик ғоясидир. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятлар барқарорлигини тасаввур қиламиз. Маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгулик, умуминсоний ғоялар руҳида вояга етказиш, уларда халқимизнинг маънавий ва маърифий идеалларга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши иммунитетини кучайтириш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир”.

➡ Давоми 5-бетда

# ИШОНЧ ВА ШЕРИКЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ТАШАББУСЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни Ашхободга амалий ташриф билан келди. Давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг доимий бетарафлик эълон қилинганининг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик куни ва 2025 йилни “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинишига бағишланган халқаро форумда иштирок этади.

Ушбу муҳим тадбир давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш, профилактик дипломатия соҳасида тажриба алмашиш учун изланувчан платформа яратди.

Форум БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси резолюцияси билан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йилининг кулминация воқеасидир. Туркменистон томонидан 86 давлат ҳаммуаллифлигида тайёрланган ушбу ташаббус сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, мамлакатлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ишончни илгари суриш, глобал тинчлик ва тотувлик маданиятини шакллантиришга хизмат қилди.

2025 йил январь ойида қабул қилинган Туркменистон фаолияти концепциясида Тинчлик ва ишонч йилига “Мулоқот — тинчлик гарови” янги халқаро муносабатлар фалсафасини амалга ошириш учун амалий майдон сифатида қаралмоқда.

Тинчлик ва мулоқот маданиятини илгари суриш, халқаро муносабатларда бетарафлик ролини кучайтириш,

превентив дипломатия ва воситачиликни ривожлантириш, давлатлар ўртасида ишончнинг янги механизмларини яратиш, тинчлик ва ўзаро ишончсиз барқарор ривожланиш мумкин эмаслиги тўғрисида глобал тушунчани шакллантириш “Халқаро тинчлик ва ишонч йили”нинг асосий мақсадлари этиб белгиланди. Ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши ишонч ва масъулиятга асосланган кўп томонлама мулоқотнинг янги шакллари ни институционаллаштириш учун имкониятлар очди. Шунингдек, давлатлар, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг қўшма тинчлик ташаббусларида фаол иштирокини рағбатлантирди.

Бу борада Туркменистоннинг 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси билан тан олинган ва кейинги 2015 ва 2025 йиллардаги резолюциялари билан тасдиқланган доимий бетарафлик сиёсати алоҳида аҳамиятга эга. Бетарафлик мамлакат конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган бўлиб, Туркменистон ташқи сиёсий ўзига хослигининг

асосий элементига ҳамда минтақавий ва халқаро тинчликка қўшаётган ҳиссасининг асосига айланди. Бетарафликнинг асосий тамойиллари ҳарбий-сиёсий иттифоқларга киришдан бош торттиш, қуроли мижозларда иштирок этмаслик, мамлакат ҳудудидида ҳарбий ҳарбий контингентларни жойлаштириш, халқаро низоларни ҳал қилишнинг дипломатик усулларига устуворлик беришдан иборат.

Бетарафликнинг амалда бўлиши барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойиллари асосида барқарор дипломатик муносабатларни қўллаб-қувватлаш, қўшнилари ва йирик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар билан фаол ишлашда намоён бўлмоқда. Ашхободдаги БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази фаолияти, Туркменистоннинг БМТнинг барқарор ривожланиш, сув ва энергетика хавфсизлиги, экология ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликка қаратилган гуманитар, экологик ва ижтимоий ташаббусларида иштирок этиши бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистон кўп векторли ташқи сиёсатни ривожлантириб, конструктив минтақавий мулоқотни қўллаб-қувватлаб, Марказий Осиёда барқарорлик асоси сифатида тинчлик ва ишончни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз стратегияси очкилик, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликнинг барқарор шакллари ривожлантиришга қаратилган халқаро ташаббусларда фаол иштирок этиш тамойилларига асосланади. Ушбу ёндашувлар Халқаро тинчлик ва ишонч йили мақсадларига тўлиқ мос келади ҳамда минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг ягона маконини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин

намунасидир. Минтақада барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаган Туркменистоннинг умумэтироф этилган бетарафлиги, Ўзбекистоннинг ҳамкорликни чуқурлаштириш, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш, маданий алоқалар ва транспорт инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилган фаол ва прагматик позицияси ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқмоқда. Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорлик форматини кенгайтириш, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги йутуқларни мустаҳкамлаш имконини берди. Ташриф якунида етакчилар қўшма баёнот, савдо, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, транспорт, энергетика, юридик ва маданий соҳаларни қамраб олган қатор давлатлараро битим ва ҳамкорлик дастурларини имзолади. Чегараолди ҳудудларнинг иқтисодий интеграцияси ва мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажминини ошириш учун қўшма имкониятлар яратадиган маъмурий, божхона ва хизмат кўрсатиш инфратузилмалари билан жиҳозланган “Шовот — Тошхөвүз” чегараолди савдо зонасини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ашхободда бўлиб ўтадиган халқаро форумдаги иштироки мамлакатимизнинг Марказий Осиёда ва халқаро майдонда тинчлик, ишонч ва барқарор ҳамкорликни мустаҳкамлашга содиқлигининг яна бир тасдиғи бўлади. Форум Ўзбекистоннинг ишонч ва яхши қўшничилик ғояларини илгари суришдаги фаол ролини намоён этиш, минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги йўлида лойиҳа ва ташаббусларни биргаликда амалга ошириш учун янги имкониятлар яратиби, Ўзбекистон — Туркменистон шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дунё” АА

## Тақдимот

# ЎЗБЕКИСТОН: УЧИНЧИ РЕНЕССАНС — ТАРАҚҚИЁТ КОНЦЕПТИ

### Бошланиши 1-бетда

Китобга Покистон Бош вазири Муҳаммад Шаҳбоз Шариф сўзбоши ёзган ҳамда асарнинг башарият тамаддуни истиқболини аниқлашдаги илмий-мушоҳадавий аҳамиятини алоҳида қайд этган.

Муаллифнинг таъкидлашича, китобда жаҳон миқёсидаги давлат ва сиёсат арбоби Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси маърифат, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси экани кўрсатиб берилган. У, шунингдек, инсониятни ҳамкорликка чорлаш, тинчлик ва мулоқот каби қадриятларга асосланган буюк ўзгаришлар лойиҳаси, вақт измига бўйсунмас абадий ғоялардан бири сифатида талқин этилган.

Покистон Бош вазири сўзбошида китоб “башарият тамаддунининг келажакдаги ривожини теран аниқла олишга қаратилган изланиш ва мушоҳадаларни ўзида мужассам этган асар” эканини таъкидлайди. Ўзбекистон тажрибаси Покистонни ҳам келгусида буюк янгиланишлар, хайрли интилишларга илҳомлантириши, китоб, шак-шубҳасиз, башарият келажиги, маърифатнинг қадр-қиммати ва янги жаҳон гуманизминини шакллантиришда Шарқнинг тутган муҳим ўрнини янада яққол намоён этиб, истиқболдаги улугʻ режаларга ўз ҳиссасини қўшишга ишонч билдиради.

Бу Президентимиз ғоялари ва глобал миқёсдаги қатор ташаббусларининг юксак эътирофидир.

Давлатимиз раҳбарининг “Хайрли иш яхши ниятдан бошланади” деган сўзларини муаллиф “Чин маънодаги ўзгаришлар инсоннинг эзгулик ва адолатга хизмат қилиш истигидан бошланади” деб талқин қилган ҳамда бу ибора китобнинг фалсафий асосини ташкил этган.

Китобда Ўзбекистон миллий давлатчилик ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий

тажрибасига оид қатор мисоллар келтирилади. Китобхон Самарқанддан Бухорогача, Хивадан Тошкентгача бўлган бепоён ўзбек замини асрлар давомида маданиятлар ва савдо йўллари чорраҳаси, Шарқ илмий, фалсафий ва маънавий тафаккурининг юраги бўлганини аниқла олади.

“**Асарнинг илк тақдимоти жорий йил октябрда Ислмободда бўлиб ўтган эди. Унда таниқли сиёсатшунос олимлар, таҳлилчилар ушбу асар нафақат ўзаро тушуниш манбаси, балки Ўзбекистондаги ислохотларни чуқур аниқлаш калити бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган.**

Покистонлик сиёсатчи ва илмий экспертлар фикрича, ёзувчи Муҳаммад Аббос Хоннинг ушбу асари ва унда илгари сурилган фикр ҳамда талқинлар нафақат Покистон, балки Европа ва бошқа мамлакатларда ҳам юқори баҳоланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирок этди.

**Рашид ХЎЖАМОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# ҚОРАҚАЛПОҚ ҚЎБИЗИ ВА ЎТОВИ ЮНЕСКОНИНГ НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

Қорақалпоқ қўбизини ясаш ва унда ижро этиш санъати расман ЮНЕСКОнинг Зудлик билан муҳофаза остига олинishi лозим бўлган номоддий маданий мерос рўйхатига киритилди.

Мазкур тарихий қарор Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Номоддий маданий меросини муҳофаза қилиш ҳукуматлараро қўмитасининг 20-сессияси иштирокчилари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Ушбу муҳим воқеа Ўзбекистоннинг мақсадли саяё-ҳаракатлари натижасида бўлиб, Қорақалпоғистоннинг ноёб маданий анъанаси халқаро миқёсда эътироф этилганини яққол намоён этимоқда.

Қўбиз санъати Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатларига киритилган маданий мерос элементлари сонини ўн олтигача етказди. Бу эса мамлакатимизнинг қадимий цивилизация ва бой маданиятининг халқаро марказларидан бири сифатидаги маконини тасдиқламоқда.

Қўбиз қадимги торли-камонли мусиқа асбоби бўлиб, туркий халқлар, айниқса, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қирғизлар орасида кенг тарқалган. Қорақалпоқ қўбизи анъанавий тарзда яхлит ёғочдан (қўпична тутдан) ясалди. Отининг ёлдан қилинган иккита торга эга бўлиб, чуқур ва бетакор оҳанг ҳосил қилади.

Живор қорақалпоқ достончилари ва шоирларидир. Улар қўбиз жўрлигида достонлар ва тарихий ривоятлар ижро этади. Живорчилик анъанаси қорақалпоқ халқининг тарихи, фалсафаси ва маънавий қадриятларини етказувчи мусиқий ва шеърый санъатнинг ноёб ўйунлигидир.

Қўбиз ясовчи усталар ва унда ижро этадиган созандалар сафининг қамайиб кетаётгани оқибатида ушбу санъат элементининг йўқолиш хавфи мавжуд. Шу сабабли уни Зудлик билан муҳофаза остига олиш рўйхатига киритиш зарурати пайдо бўлган. Мутахассислар ҳам мазкур ноёб анъанани келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Сессия давомида “Муқаддас мероснинг қайта тикланиши: қўбиз ва қорақалпоқ жироқларининг эпик анъанаси” мавзусида сайд-ивент бўлиб ўтди. Дастурга кўра, таниқли жироқлар Бакбергенов Сиримбетов ва Давронбек Ендирбаевнинг жонли ижроси, қўбиз ва жировга бағишланган ҳужжатли фильм намоёниши ҳамда уста Марат Жақсимуратов томонидан қўбиз мусиқа асбобини яшаш жараёнининг жонли кўргазмаси намоён этилди.

Шунингдек, 11 декабрь куни Ҳиндистонда бўлиб ўтган ушбу сессияда қорақалпоқ ўтовини Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритишга бағишланган масала ҳам муҳокама қилинди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон маданий меросининг ўн еттинчи элементи — қорақалпоқ ўтовини ҳам жаҳон миқёсида эътироф



этилиб, ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон кўчмачили туркий халқлар уйи — ўтовини ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича қўшма номинатция таъйинланган эди.

Қорақалпоқ ўтовининг ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши бутун Ўзбекистон, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси учун улкан ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеадир.

Қорақалпоқ ўтовини ўзига хос кўриниши, нақшлари ва рамзлари билан ажралиб турадиган, қорақалпоқ халқининг дунёқараши, эстетикаси ва табиий турмуш шароитини акс эттирувчи ноёб халқ меъморчилиги намунасидир. Унинг халқаро миқёсда эътироф этилиши миллий ўзлигини сақлаш ва оммалаштиришга хизмат қилади.

Мазкур воқеа Ўзбекистон раҳбариятининг бой маданий-гуманитар меросини халқаро майдонда илгари суриш бўйича изчил ва муваффақиятли саяё-ҳаракатларининг ёрқин далили бўлди. Мамлакатимизнинг очкилик ва жаҳон мероси намуналарини сақлаш тамойиллари яна бир бор намоён этилди.

Қорақалпоқ ўтовининг рўйхатга киритилиши сўнгги йилларда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида жадал ривожланаётган ҳамкорликнинг ёрқин самараларидан. Ўзаро манфаатли шериклик шу йил октябрь-ноябрь ойларида Самарқанд шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКО

Бош конференциясининг 43-сессиясидан сўнг янги босқичга кўтарилди.

Қорақалпоқ ўтовини Ўзбекистон маданий меросининг ЮНЕСКОнинг турли рўйхатларига киритилган ўн еттинчи элементи бўлди. Мамлакатимизнинг Буюк илп йўлидаги жаҳон цивилизациясининг асосий марказларидан бири эканини тасдиқлади.

Айниқса, сўнгги 7-8 йилда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги самарали ҳамкорлик муносабатлари ташкилот рўйхатларига бир нечта муҳим номоддий ва табиий маданий мерос элементларини киритилишига олиб келди.

Ўтовнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши нафақат монументал ёдгорликларни, балки авлоддан авлодга ўтиб келаётган жонли анъаналар ва кўникмаларни, халқнинг ишончи ва шуурини асрашга қаратилган муваффақиятли ишларнинг узвий давомидир.

Ушбу воқеа Қорақалпоғистон ва бутун Ўзбекистоннинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш, ўтов тайёрлаш билан шуғулланувчи хунарманд-усталарни қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, анъанавий кўникмаларни ёш авлодга етказиш, унинг боқийлигини таъминлаш учун янги имкониятлар очди.

Қорақалпоқ ўтовининг репрезентатив рўйхатга киритилиши мазкур тарихий бойлиқнинг халқаро эътирофи ва кўчмачилик маданиятининг ноёб рамзини сақлаб қолиш қафолати бўлди.

“Дунё” АА  
Дехли шаҳри

## Муносабат

Покиза АҲМАДЖОНОВА,  
Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши раиси, сенатор

“Инсон қадри учун” эзгу тамойили асосида кечаётган ислохотлар самараси Сирдарёдаги улкан ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шу маънода айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига ташрифи ҳудудни бутунгидан-да улкан бунёдкорлик майдонига айлантириш, сирдарёликлар ҳаётига янги мазмун, оиласига фазл, турмушига фаровонлик олиб киришга замин яратиши билан аҳамиятли бўлди.

Бундан 10 йил олдин вилоятимиз мамлакатнинг энг қўлоқ ҳудудларидан бири сифатида тилга олинарди. Аслида ҳам шундай эди-да. Чунки вилоят иқтисодиёти узоқ йиллар пахта ва ғаллага боғланганди. Нотўғри юритилган аграр сиёсат сабаб ернинг катта қисми шўрланиб, яросиз ҳолга келиб қолганди. Фермерлар кўп меҳнат қилиб, кам даромад олар, сўғорши инфратузилмаси эскирган эди.

Халқнинг асосий даромади ердан бўлса-да, унумдорлик йилдан йилга пасайиб бора, мақсадли инвестициялар, оқилона бошқарув ва иқтисодий-тикландирилган ғоя ва лойиҳалар бўлмагач, одамлар чекланган, ҳаминқадар имкониятларга қўниб яшашга мажбур эди.

2016 йилдан кейин бошланган янги сиёсат, иқтисодий дастур ва ислохотлар Сирдарёни мулқаро бошқа ривожланиш босқичига олиб чиқди.

“**Давлатимиз раҳбари бу ҳудудни янги имкониятлар майдони сифатида белгилаб, уни амалда йўқдан бор қилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва логистика марказига айлантириш вазифасини қўйди. Энг муҳими, бу ўзгаришларнинг марказида инсон манфаати, инсон қадри турди.**

Сирдарёнинг ҳар бир тумани, ҳар бир қишлоғида янгиланган, аввало, одамлар ҳаётини енгиллаштириш, тадбиркор учун кенг йўл очиш, ёшлар учун имконият яратишдан бошланди.

Бу галги ташриф доирасида Президентимиз саноат қорхоналари фаолияти,

маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди ҳамда Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Асосийси, вилоятни янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш бўйича катта режа ва мақсадлар белгиланди.

Қайд этилганидек, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича янги чарча ёндашувлар, самарали ечимларни жорий этиш учун доим изланиш, ўрганиш, тажриба ортириш муҳим.

Вилоятимизга охириг сақиз йилда 4 миллиард доллар инвестиция киритилди, 120 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Шу давр мобайнида 187 та йирик қувват ишга туширилди. 50 га яқин янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада саноат ҳажми 4 триллиондан 25 триллион сўмга етди.

Давлатимиз раҳбари томонидан келгусида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар атрофича муҳокама қилиниб, тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Хусусан, Президентимиз келаси йиллар давомида вилоятга жами 3 миллиард доллар инвестиция киритиш, экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш, 185 минг аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қатъий ишлаш зарурлигини таъкидлаб, Сирдарёни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Келгуси йилда вилоят инфратузилмасини яхшилашга 1,5 триллион сўм, тадбиркорлик лойиҳалари учун 10 триллион сўм ресурс ажратиш режалаштирилгани, шунинг 753 миллиард сўми илк бор Сирдарё вилояти ва туман бюджетларига маҳаллалар шароитини яхшилаш учун йўналтирилгани давлатимиз раҳбарининг ўзгаришлар, аввало, маҳаллаларда сезилиши керак деган сўзларининг амалдаги исботи бўлди.



Бу ҳақда Президентимиз “Маҳалла — жамиятнинг юзи. Мамлакатдаги барча ўзгаришлар, аввало, шу ерда ўз ифодасини топади. Биз шундай тизим яратдикки, илгари жиддий деб ҳисоблаган қўлпаб масалаларимизга ечимни айнан маҳалланинг ўзида топпамиз. Бу институтга эътиборини янада кучайтиришда давом этамиз”, деди.

Йигилишда тадбиркорлар учун қатор янгилликлар, қудайлик ва имтиёзлар яратиш борасида сўз борди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги саноат қорхоналарини босқичма-босқич пойтахтдан ташқарига кўчириш жараёнида “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасидаги бўш ерлар мавжуд қувватларни жойлаштириш учун катта имконият экани таъкидланди. Шу боис, пойтахтдан ўз қорхонасини Сирдарёга кўчириш истагида бўлган тадбиркорларга саноат зонасидаги ерлар соддалаштирилган тартибда, чегирма билан тақдим этилади, уларга 10 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади, хомаёни темир йўл орқали ташинида арзонлаштирилган тарифлар қўлланади.

Президентимиз Сирдарёда богча, мактаб, шифохона ўринларини кўпайтириш, электр, сув, канализация ва йўлларни яхшилаш борасидаги ишларга ҳам тўхталди. Айни мақсадда сўмгача иқтисодига биргина жорий йилнинг ўзида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун 100 миллион доллар ресурс йўналтирилди. Натижада 47 та мактаб, 45 та болалар богчаси, 31 та тиббиёт муассасаси, 5 та спорт ва маданият маскани тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишлар изчил давом эттирилиб, келаси йили яна 100 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари ташрифи қўшилиб, Сирдарёга янги ташаббускорлик руҳи, тадбиркорлик шижоати, кенг имкониятлар манбаи келди.



Санжар ЭШМУРОДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Танамиздаги қон хар бир ички орган учун қувват манбаи вазифасини бажаргани каби энергетика иқтисодиётнинг энг муҳим жабҳалари — оғир ва енгил саноат, хизмат кўрсатиш, қисман қишлоқ ҳўжалигини ҳаракатлантирувчи қувватдир. Бошқача айтганда, энергетика тизими нафақат иқтисодиёт, балки инсоният фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ тармоқлар ривож, барқарор тараққиёти асосидир. “Яшил” энергетика эса бу қувватнинг ортиб бориши, узвийлигини таъминлаши билан янада аҳамиятли.

Биргина мисол, уйда чироқ бўлмаса, ҳеч қайси маиший жиҳозни ишлата олмайди. Хоналар зимистонлиги қалбингизга кўчиб, умидсизлик, ғам-ташвиш ва хавотир уйғотади.

Шу боис, ушбу соҳадаги ислохотлар давлат иқтисодиёти мустақамланиши, ижтимоий ҳаёт яхшиланиши, аҳоли даромади ва турмуши сифатини оширади. Давлат ва жамиятда ёрқин келажакка ишонч туйғусини кучайтиради. Янги Ўзбекистонни барпо этишда барқарор энергетика қувватига эга бўлишга алоҳида урғу берилётгани боиси ҳам шу, аслида.

Жорий йил 5 декабрь куни Президентимиз бошчилигида янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объеклари ишга туширилгани ҳамда навбатдагиларнинг қурилишини бошлашга старт берилгани бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди деб бемалол айтиш мумкин.

Қатор халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳамкор давлатлар масъуллари, жумладан, Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, Туркия энергетика ва табиий ресурслар вазири Алпарслон Байроқдор, Озарбайжон энергетика вазири Парвиз Шаҳбозов, Қирғизистон энергетика вазири Таалайбек Ибраев, шунингдек, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа молия институтлари, дунёнинг йирик тармоқ компаниялари раҳбарлари, инвесторлар иштирокидagi анжуман “Барқарор энергетика — Янги Ўзбекистоннинг келажак сари ишончли қадими” мавзусида бўлиб ўтганида ҳам чуқур маъно-мазмун бор.

Зеро, анжуман доирасида қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш, сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншооти ишга туширилди, навбатдаги 21 тасининг қурилиши бошланишига старт берилди.

Ўтган йили 14 декабрь куни бўлиб ўтган худди шундай тадбирда давлатимиз раҳбари иштирокида энергетика соҳасида 18 та янги қувват ишга туширилиб, 6 та лойиҳа қурилиши бошланган эди. Бир йилда қамровнинг қанчалик кенгайганини рақамлар ўртасидаги фарқдан ҳам англаш мумкин.

Албатта, бунда 2025 йилнинг мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилиниши ҳамда йилга доир давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси катта замин яратди. Жумладан, дастур доирасида “яшил” энергетикани жорий этиш борасида янги ташаббус, лойиҳа ва натижадор механизмлар йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси олдимиздаги юксак марра — 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилиши, натижада “яшил” энергиянинг жами генерациядаги улуши 54 фоизга етказилишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

### ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ, МУСТАҲКАМ СУВЕРЕНИТЕТ КАФОЛАТИ

“Яшил” энергетика замонавий жамиятнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Унинг тараққиёти қуйидаги жиҳатларга ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, экологик нуқтан назаридан қарайдиган бўлсак, анъанавий энергия манбалари, хусусан, нефть, кўмир ва газ ёқилгиси атмосферага зарарли газлар чиқаради. “Яшил” энергетика эса бундай ифлосланишнинг олдини олади ва углеводородларнинг камайтиради.

Масалан, 5 декабрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ишга туширилган умумий қиймати 3,3 миллиард долларлик лойиҳалар орасида 3500 мегаваттли 16 та қуёш, шамол, иссиқлик станцияси ва ГЭСлар бор.

Улар тўлиқ қувватга чиққач, мазкур объектларда йилига 15 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Натижада келгуси йилда “яшил” энергетика ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард киловатт-соатга етади. Ушбу қувватлар орқали Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергияси истеъмоли тўлиқ қопланишига эришилади.

Шунингдек, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 миллиард куб метрга камайд. Атмосферага 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади. Бу эса глобал иссиқ ва экологик муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Иккинчидан, кўпгина давлатлар нефть ва табиий газга қарам бўлиб, уларни импорт қилишга мажбур. Айниқса, қаҳратон қиш кунларида электр энергиясини турли оғир

### Таҳлил

Шунингдек, юртимизнинг экспорт маҳсулотларига “яшил” энергетика деган янги маҳсулот қўшилмоқдаки, бундан келадиган қўшимча маблағ миллий иқтисодиётимиз янада барқарорлаштишига хизмат қилади. Жумладан, бу борада қўшни Қозғистон, Озарбайжон билан ҳамкорликда Европада электр энергияси экспорт қилиш учун “яшил йўлак” лойиҳаси тайёрланмоқда. Лойиҳа Боқудати СОР-29 саммитида имзоланган келишув асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Каспий ва Қора денгиз остида кабелъ тортиш орқали Европада “яшил стратегик йўлак” барпо этилиб, “яшил” энергия экспорт қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Италия компанияси томонидан дастлабки технологиялар ишлаб чиқарилмоқда.

Ислохотлар тизгини қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш йўлидан бормоқда. Бу дунё энергетика бозорида Марказий Осиё ўзининг йирик ўрнига эга бўлишини билдиради.

Тўртинчидан, дунё бозорида “яшил” сертификатга эга маҳсулотлар, бошқача айтганда, табиатга зарар етказмасдан олинаётган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига тайёрланган ёки етиштирилган экспорт товарлари устун мавқега эга.

Қолаверса, “яшил” ривожланиш таннархи камайтиришда муҳим омил ҳамдир. Шу маънода, юқорида санаганмиш каби лойиҳалар ҳисобига мамлакатимизда “яшил” энергетика ривожланиши дунё бозорида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги маҳсулотлар рақобатбардошлигини сезиларли оширади.



шартлар ва қиммат нархларда сотиб олишга тўғри келётган мамлакатлар қанча? Бу эса мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тизимига зарар келтириб, айрим ҳолларда суверенитетимизга соя солади.

Янги ишга туширилган лойиҳалар орасидаги 1245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизими энг қийин вазиятларда давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришда катта аҳамиятга эга. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради. Энергия сақлаш тизими ҳамда “яшил” энергетика манбалари ривож юртимизнинг энергетик мустақиллигини таъминлайди ва ресурслар бўйича иқтисодий хавфсизлиқни мустаҳкамлайди.

Учинчидан, “яшил” энергетика манбаларининг миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги ўрни ҳам бекиёс. Жумладан, “яшил” энергетика соҳаси тобора кенгайиб, янги технология ва инновациялар билан бирга кўплаб иш ўринларини яратмоқда. Масалан, қуёш панеллари ишлаб чиқариш, шамол турбиналари ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишлар пайдо бўляпти. Буларнинг барчаси — мутахассис тайёрлашдан бошлаб, уларнинг фаолият юритишигача, минглаб янги иш ўринлари, демакки, барқарор даромад ҳисобига минглаб оилалар фаровонлиги таъминланади дегани.

### СУВИМИЗ, НИЯТИМИЗ БИР, АМАЛИМИЗ ҲАМ БИРЛАШМОҚДА

Марказий Осиё минтақасининг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарёдир. Ушбу катта сув ўзанлари минтақадаги барча давлатлар худудидан оқиб ўтади. Ундан ҳамжихатликда фойдаланиш ҳар қачон муҳим бўлган. Шу боис, тарихда турли низолар бўлишига қарамай, халқларимиз сувдан келишилган ҳолда фойдаланган.



Президентимиз ташаббуси ва қўшни мамлакат раҳбарлари хайрихоҳлиги билан бутун бу минтақа ўз тарихидаги энг тотув, аҳил, ўзаро манфаатли ҳамкорлик даврига қадам қўйди. Ташбеҳ билан айтганда, бутун сув, туз-нонимиз бир дастурхон устида баҳам кўрилмоқда. Мушт каби бирлашган давлатларимиз дунёга бўлимас минтақа, катта ижтимоий-иқтисодий қудрат сифатида намоён бўлмоқда. Бунга юқоридагидек турли йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз асос бўлиб хизмат қилаётир.

Хусусан, гидроэнергетика тармоғидаги ҳамкорлик ҳам давлатларимиз учун муҳим йўналишдир. Бу борада минтақа гидроэнергетика салоҳиятидан самарали фойдаланиб, биргаликда бошқариш мақсадида келгуси йили Қирғизистон ва Қозғистон билан “Қамбарота ГЭС-1” лойиҳасини молиялаштиришга киришилиши белгиланди.

корхоналар сонини 100 тага етказиш белгиланган.

Статистик маълумотларга кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида табиий офатлар дунё миқёсида 320 миллиард долларлик глобал иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлган. Эътибор қаратиш керак бўлган жиҳати, бу кўрсаткичлар 2023 йилгидан 30 фоиз балоанд.

Рақамлардан дунё миқёсида глобал экологик муаммолар йил сайин кескинлашиб бораётганини англаш мумкин. Шу боис, ривожланган мамлакатлар саноат, ишлаб чиқариш соҳасида атроф-муҳитга зарарсиз, ноль углеводород чиқиндисини ҳосил қиладиган қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида турли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Шу ўринда яқинда Бразилияда ўтган СОР-30 иқлим конференциясида мамлакатимиз ўз ташаббуси билан Париж битими доирасида муҳим мажбуриятни зиммасига олганини

“Илгари энергия етишмовчилиги Ўзбекистоннинг энг асосий оғриқли масалаларидан бири, заиф томони эди, хорижлик инвесторлар билан манфаатли ҳамкорлик асосида энергетика тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар эса бу заифлиқни катта қудратга йўғрилтирмоқда.”

Зеро, Ўзбекистон электр энергияси қувватининг катта қисмини гидроэнергетика ташкил этади. Шу боис, соҳа биз учун муҳим. Хорижий инвесторлар кўмағида бу тармоқ ҳам кейинги йилларда тараққий этиб бормоқда.

Жорий йилда 400 мегаваттлик гидроэлектр станциялар ишга туширилди. Жумладан, Норинда 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станция тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда қурилди. Ушбу истиқболли лойиҳа йилига ўртача 1025 миллион киловатт-соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

### ЮЗДАН ОРТИҚ КОРХОНА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛАДИ

Ўзбекистонда Жаҳон банки билан ҳамкорликда дунёда илк инновацион “iCRAFT” лойиҳаси ишга туширилди ва катта натижаларга эришилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида 17 та йирик саноат корхонаси “яшил” энергетика бўйича халқаро сертификатлар тизимига ўтди. Келгуси икки йилда бундай

алоҳида қайд этишимиз жоиз. Унга кўра, Ўзбекистонда 2035 йилгача зарарли газлар эмиссияси 50 фоиз қисқартирилиши мақсад қилинди.

Авалло, Париж битими ҳақида тўлиқроқ маълумот берсак. Ушбу битим атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтиришга қаратилган. 2016 йилдан қуча кирган ҳужжат дунёнинг 195 мамлакатини томонидан маъқулланган, 175 давлат унинг тадбирлари доирасида иш олиб бормоқда. Айниқса, Европа Иттифоқи давлатлари битим доирасида турли лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган. Шулардан бири “Fit for 55” пакети. Унинг “Carbon Border Adjustment Mechanism” (“CBAM”) углеводород чегарасини сошлаш механизми қисмида халқаро тижорат, маҳсулотларни импорт-экспорт қилиш, инвестициялар киритиш масалалари қайд этилган. Унга кўра, Европа Иттифоқида импорт қилинчилар маҳсулот ишлаб чиқарилишида ҳосил бўлган углеводород ҳисобидини бериши ва бу чиқиндилар учун алоҳида тўлов қилиши керак.

Юқорида қайд этилган “яшил” энергетика бўйича халқаро сертификатлар бу қўшимча тўловлар мажбуриятини бекор қилади. Шу боис, ЖСТга аъзо бўлиш, дунё бозорида ўз маҳсулот ва брендлари билан алоҳида ўрин эгаллаш, экспорт салоҳиятини янада оширишни мақсад қилган Ўзбекистон учун “яшил иқтисодиёт”га ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

### БОШ МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ

Президентимиз фаолитянинг илк палларидиёқ ислохотлардан қўланган асосий мақсад одамларни рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш эканини айтганди. Иқтисодий тармоқлардаги янгиланишлар ҳам худди шу мақсад йўлида кечди. Бу, айниқса, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда яққол намоён бўлди. Илгари совуқ кунларда муайян соатларгина электр бериладиган марказдан олис қишлоқларда ҳам таъминот анча яхшиланди.

Эсимда, болалик йилларим тунлари шам ёруғида дарс қилишга мажбур бўлардик. Электр таъминотидаги сурункали ўзгаришлар туфайли қиш кунлари кўрпа остида қишлоқларда ҳам таъминот анча яхшиланди.

Бугун янгича механизм, ташаббус ва лойиҳалар ҳисобига аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашда сезиларли ўзгаришлар кузатилгани бор гап. Эътиборлиси, бу мақсад йўлидаги ортга қайтмас ислохотлар тизими давом эттирилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Бугун жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида катта ислохотларни амалга оширишимиз ва аҳолининг талаб ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, энергетика тизимида катта ислохотларни амалга оширишимиз. Биз бу йўналишда иккита муҳим мақсадга эришишни асосий вазифа қилиб белгиллаганимиз. Биринчиси — барча тармоқ ва худудлар учун ишончли ва узлуксиз энергия таъминотини йўлга қўйиш. Иккинчиси эса ана шу режамизни замонавий, экологик тоза ва қайта тикланувчи муқобил манбалар ҳисобидан амалга оширишимиз”.

5 декабрь куни аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида ишга туширилган лойиҳалар қаторида “Angren Energo” ва “Uzhydropower” корхоналари ҳам бор. “Angren Energo” йилига 15 мингта трансформатор ишлаб чиқариш, “Uzhydropower” эса 155 та гидроагрегат тайёрлаб бериш қувватига эга. Бундан кўринадиги, ҳар икки корхона ҳам иқтисодиётимиз ривожига ҳамда аҳоли фаровонлигига муҳим ҳисса қўшади.

Умуман олганда, 5 декабрь куни ишга туширилган янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объеклари ҳамда қурилиши бошланган янги лойиҳаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти жуда катта.

Жорий йил давомида ушбу йўналишда жуда кўп бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектиларида 2 минг мегаваттлик кичик қуёш панеллари ўрнатилди. Уларда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда 2 миллиард киловатт-соатга ақин муқобил энергия ишлаб чиқарилади. Шунингдек, 69 минг километр электр тармоғи, 14 мингта трансформатор ва юқори кучлинишли подстанция янгиланди.

Бу йўналишда яна бир янгича механизм жорий этилди. Самарқанд худудий электр тармоқлари Туркиянинг “Akse Elektrik” компаниясига хусусий бошқарувга берилди. Ушбу компания лойиҳа доирасида тармоқни операцияни бошқарувга олиб, инвестиция киритади, тармоқларни модернизация қилади, йўқотишларни босқичма-босқич 2 баробар камайтиради. Натижада ҳар йили ўртача 20 миллион доллар тежаллади.

Шундай тажриба асосида келгуси йилда Жиззах ва Сирдарё, 2027 йилда Наманган ва Тошкент вилоятлари электр тармоқлари бошқаруви ҳам инвесторларга тақлиф этилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, илгари энергия етишмовчилиги Ўзбекистоннинг энг асосий оғриқли масалаларидан бири, заиф томони эди, хорижлик инвесторлар билан манфаатли ҳамкорлик асосида энергетика тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар эса бу заифлиқни катта қудратга йўғрилтирмоқда. Бунда, албатта, Президентимизнинг оқилона сиёсати ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Буни биз эмас, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

Хусусан, 5 декабрдаги тантанали маросимда Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайян Ўзбекистоннинг инвестицияларни жалб қилиш ва энергетика соҳасидаги фаолиятини юксак баҳолаб, давлатимиз раҳбарига нисбатан “Бутун дунё инвесторлар билан ишлашни сиздан ўрганиши керак”, дея таъкидлаганини келтириш мумкин. Шунингдек, аввалроқ, Осиё тараққиёт банки раҳбари Масато Канда Италиядаги йирик молиявий анжуманлардан бирида Ўзбекистонни хусусий инвестициялар ҳисобига энергетика соҳасини муваффақиятли трансформация қиладиган намунали давлатлардан бири сифатида эътироф этганини ҳам қайд этиш жоиз. Ушбу эътирофлар биз тўғри йўлдан бораётганимиз, янги Ўзбекистонни барпо этишда янги уфқларни кашф этаётганимиздан дарак беради.





Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

### Бошланиши 1-бетда

Ҳақиқатан, кейинги пайтларда ёт гоялар тобора кўпайиб бормоқда. Эътиқоди суғуст айрим ёшларимиз эса бу гояларни таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқариш кўникмаси йўқлиги учун мураккаб жараёнда адашмоқда. “оқ билан қора”нинг фарқида бормай, ноқўё ҳаракатлар қилмоқда. Бунинг сабаблари жуда кўп. Бироқ, назаримизда, барча соҳаларда бўлгани каби маънавий ҳаётдаги турбулентлик ҳолати миллий тарбия ва минг йиллар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятларимизни очикдан-очик инкор этмоқда.

Ҳўш, турбулентлик ҳолати нима дегани? Тўғри, турбулентлик гирдобли ҳаракат, жўшқинлик, тартибсизлик каби маъноларни англатган ҳолда кўпинча аниқ, табиий фанлар атамаси сифатида фойдаланилади. Бироқ бугунги кунда мазкур атамани ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, мамлакатларнинг ташқи сиёсати, миллий ва умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳар қандай жамиятда инсон ривожининг олд шарт, энг муҳим моҳияти, аввало, унинг эркинлиги ва мустақиллигида намён бўлади. Эркинликнинг фойдаланиш имкониятининг зарурий шарт инсондаги ички тартиб ва ўзаро муносабатлардаги тартибга ҳурмат билан қараш ҳисобланади.

Шу маънода таъкидлаш лозимки, эркинлик бу — тартиб. Тартибсизлик шароитида эркинликдан фойдаланиш асло мумкин эмас. Иттиҳуд тартибга нисбатан ҳурматинг намён бўлишидир. Иттиҳуд ҳаётинг ҳар қандай ҳолати ва тартибнинг ҳар бир даражасида самарали фаолиятнинг зарурий шартидир. Ҳар қандай шароитда, ҳар бир соҳада тартиб бузилиши умумий жараёнларни ишдан чиқаради, пировард натижада инқирозли ҳолат, беқарорликни юзга келтиради.

Бу, айниқса, маънавият, тарбия соҳаларида жиддий хавф-хатарни пайдо қилиши мумкин. Ҳақиқатан, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида, глобаллашув авж олган ва инсониятнинг минг йиллар мобайнида шаклланган қадриятлари катта хавф остида турган бир пайтда турбулентлик ҳолати маънавият, тарбия жаҳасида ҳам жиддий муаммолар келтириб чиқармоқда.

Бундай муаммолар кўп ҳолларда маънавият-ни тушунишда, одамлар тарбиясида анъанавий қадриятлар, шаклланган меъёрлардан фойдаланишга ўтмаслик аҳамият бераётган, бу жараёнга муайян даражада архаик-консерватив муносабатда бўлаётганлар билан масалага инновацион тарзда қарайдиганлар ўртасидаги жарликнинг тобора кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Афсуски, бу жарлик кундан кунга кенгаймоқда. Маънавият ва тарбия масаласида консерватив ва инновацион тарафдорларнинг келишмовчилиги, улар ўртасидаги зиддиятли ҳолатлар мазкур соҳалардаги турбулентлик ҳолатининг тасвирини янада кучайтирмоқда.

Маънавият, маърифат, тарбия, умуман, инсон, жамият муносабатларига кейинги йилларда тобора авж олиб бораётган тўрттинчи санаот инқилоби низоҳатда катта таъсир кўрсатмоқда. 1760-йиллардан 1840-йилларгача давом этган биринчи санаот инқилоби темир йўллар қурилиши ва бут машинаси кашф қилинишига туртки бўлган механик ишлаб чиқаришни бошлаб берган бўлса, XIX аср охири — XX асрнинг бошларида бошланган иккинчи санаот инқилоби электр қуввати ва йиғув линияси яратилишига сабаб бўлган. Учинчи санаот инқилоби 1960-йиллардан бошланди ва у яримўтказкичлар, марказий компьютер (1960-йиллар), шахсий компьютер (1970-1980-йиллар) ва интернет (1990-йиллар) ривожланиши билан авж олди. Бу давр “компьютер инқилоби” даври ҳам деб аталади. Таъкидлаш лозимки, ҳар учала санаот инқилоби ҳам инсониятнинг умумий тараққиётга бошладил, одамлар тафаккур тарзини кенгайтирди, катта ҳажмдаги ишни қисқа вақт орасида бажариш, ривожланишнинг экстенсив йўлидан интенсив йўлга ўттиш имконини берди.

Тўрттинчи санаот инқилоби бошланиш даври эса XXI аср бошларига тўғри келади. Мазкур жараён тенг миқдордаги улкан имкониятлар ва катта муаммоларни келтириб чиқара бошладил. Улар орасида энг эътиборга молиги ижтимоий тенгсизлик кучайиши бўлди. Ўсиб бораётган тенгсизлик туфайли келиб чиққан муаммолар миқдорини ўлчаш тобора қийинлашиб бормоқда.

Ҳозирги санаот инқилоби натижасида намоён бўлаётган янги технологик инқилоб кўла-

ми шу қадар улкан иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ўзгаришларга сабаб бўлмоқдаки, уларни кўз олдимизга келтириш деярли имконсиз. Мазкур санаот инқилоби аввалгиларидан тезлиги, кўлампидан ташқари кўп сонли ва хилма-хил соҳалар ҳамда кашфиётларни уйғунлаштира олиши билан ҳам ажралиб туради. Турли технологияларнинг ўзаро бирлашувидан ҳосил бўладиган реал инновациялар энди илмий фантастика эмас.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, тўрттинчи санаот инқилоби марказида сунъий интеллект турибди. Сунъий интеллект компьютерлар ҳисоблаш қувватининг геометрик прогрессия бўйлаб ўсиши ва улкан маълумотлар базасига таянган ҳолда маданий, маърифий қизиқишларимизни олдиндан айтиб берувчи алгоритмлар каби ҳайратомуз ютуқларга эришмоқда.

Тўрттинчи санаот инқилоби, сунъий интеллект инсониятнинг ҳозиргача мавжуд бўлган яшаш стандартларига, шарт-шароитларимизга бир томондан ижобий, бошқа тарафдан салбий таъсир ўтказиш кучига эга. Айрим қўрилмалар турли соҳалардаги эҳтиёжларимизни олдиндан айтиб бериш имконига ҳам эга бўлмоқда.

Бошқача айтганда, сунъий интеллект инсоннинг ижодий қобилияти, уни амалдаги рўй-би масалаларини ўз “қўли”га олаётганини тан олишга тўғри келади. Масалан, ёзувчилик ва автоматик ҳикоя яратиш технологиясини олиб кўрайлик. Мураккаб алгоритмлар ҳар қандай китобхонага мос услубда ҳикоя ярата олади. Ҳикоя мазмунини инсон маъсулига шу қадар ўхшайдики, “New York Times” газетаси ўтказган сўровномада бир-бирига ўхшаш икки хил матн берилганида иштирокчилар билан қайси бирини одам, қайсинини робот ёганини ажрата олмади.

Бу технология жадал суръатлар билан ривожланимоқда. Шу боис, автоматик ҳикоя яратиш технологиясига ихтисослашган “Narrative science” асосчиларидан бири Кристин Ҳаммонд келажакда янгиликларнинг 90 фоизи алгоритмлар томонидан ёзилишини баъшорат қилган. Бу алгоритмларнинг асосий қисми одам иштирокисиз ишлайди.

Ҳақиқатан, бундай жаҳоний ўзгаришлар янги Ўзбекистонга ҳам жадал кириб келмоқда. Бугун рақамли технология, сунъий интеллектсиз ҳар қандай давлатнинг на иқтисодий-ижтимоий, на маданий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларини тасаввур қилиш қийин. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 сентябрдаги “Республиканинг ҳудуд, соҳа ва тармоқларда рақамли технологиялар жорий этилишини янада жалдлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаш ўринли.

Унга қўра, 2025-2026 йилларда “Рақамли ҳукумат” дастури доирасида 41 та устувор

Бунинг сабаби эса тўрттинчи санаот инқилоби оқибатида одамлар, айниқса, айрим ёшларнинг ижтимоий тармоқларга “михланиб” қолиши, пировард натижада уларнинг жамият, оиласидан бегоналашиб боришидаги суръат тезлашишидир.

Бугунги кун одами руҳий ҳолатида энг кўп учрайдиган салбий кўриниш ҳиссизлик ҳисобланади. Аксар одамлар ҳиссизлашган қалби билан атрофидagi одамлар — баъзан турмуш ўртоғи, гоҳо боласи, айрим ҳолларда дўсти, кў-

эмас. Ҳақиқатан, сунъий интеллект, рақамли технология мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқади, ўз навбатида, халқимиз фаровонлиги ҳам тобора яхшиланиб бораверади.

Айни пайтда бу ўзгаришлар силсиласида тарбия, маданият, маънавият масалалари қай аҳволда бўлишини тасаввур қилиш биз учун жуда муҳим. Чунки тўрттинчи санаот инқилоби натижасида анъанавий шаклланган турмуш тарзимиз, одамлар ўртасида мавжуд муносабатлар, айниқса, миллий қадриятларимизга қарашла-

халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинмоқда, буларнинг бари пировард натижада одамларда шукроналик кайфиятини шакллантирмоқда.

Бироқ одамларимизда руҳий мувозанатни таъминлашга ҳалақит қилаётган қатор субъектив омиллар борки, уларни эътиборга олмаслик айрим салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шунинг қатъий равишида айтиш мумкинки, бугун айрим одамларимизда руҳий мувозанат бузилиши жамиятдаги ижтимоий муаммолар эмас,



### Нуқтан назар

часидаги кўншини қийнаётганини, унга азоб бераётганини билмайди. Ўзғалишлариди тармоқларга “қуллик”, назаримда, одамларда бир-бирига муносабатлар қалбнинг эмас, ақлининг назоратида бўлганга ўхшайди. Қулишимиз, йиғлашимиз, одамлар билан ўзаро алоқаларимиз ичимиздан, юрак-юракдан эмас, қулишимиз лозим бўлгани учун, йиғлашимиз шарт бўлгани учундек туюлади. Бунинг сабаби ҳам бугун айрим одамларимизда соф инсоний ҳис йўқолиб бораётгани, ҳис шахсларнинг ташқи кўринишида борлиги-ю, ички оламида йўқлигидир. Ҳиссизлик эса одамлар ақлий оғишлар, ҳиссиз таассуротлар ва нозаки яшаш одати шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Шубҳасиз, тўрттинчи санаот инқилоби инсоният ҳаётини янада ўзгалиштиради, фаровонликини оширади, оғиримизни енгил қилади.

римиз ўзгариб кетмоқда. Бунинг оқибатларини бугун ҳам кузатиш мумкин.

Буларнинг бари маънавий ҳаётимизда турбулентлик ҳолатини пайдо қилмоқда. Шу ўринда маънавият, маданият, тарбия борасида турбулентлик ҳодисасининг айрим кўринишлари ҳақида фикрлашамиз. Назаримда, бундай ҳолат шаклланиши инсон шахсияти бузилиши билан боғлиқ. Шахсият инсоннинг ўзига хослиги, ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туриши ҳисобланади.

Ижтимоий тармоқларнинг ҳаддан ташқари кенгайиб бориши, одамлар, айниқса, ёшларнинг унга муқассаддан кетиши, ўз навбатида, эътиқодсиз, миллий қадриятларимиздан муайян даражада бегоналашганларда бирхиллашув жараёни юзга келтирмоқда. Уларнинг тафаккур тарзи, фикрлаши, одамлар, жамиятга нисбатан муносабатларида ахилитлик аломатлари ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Бу эса шахсияти бир хил одамлар кўпайишига олиб келяпти. Шахсиятнинг бирхиллашуви ёшларнинг ўз истезоди, имкониятларини намоён этишига тўсқинлик қилади, соғлом рақобатни, ташаббусларни сўндирди. Соғлом шахс эса ўзига хос характери, хислатлари орқали шахсиятини шакллантира олган кишидир.

Шахсиятнинг бузилиши инсонда қатор салбий ҳолатлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу, биринчи навбатда, инсондаги маргиналлик билан боғлиқ. Маргиналлик бирор шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа ва қатламга мансуб бўлмай, улар оралиғида ўрин эгаллаб туришини англатади. Шунингдек, маргиналлик деганда, мамлакат аҳолисининг муайян қисми “аросатда қолиш”, ўз ижтимоий гуруҳидан бегоналашгани ҳам тушуниш мумкин. Ижтимоий-маънавий ҳаётдаги турбулентлик ана шундай салбий ҳолатга олиб келиши мумкинлигини асло эсдан чиқармаслик лозим.

Бугун дунёнинг кўплай мамлакатлари аҳолиси ичида ана ўша маргиналлик жуда кучаймоқда. Улар ўз шахсиятидан мосуво бўлиб, жамият, оиласидан тобора узоклашиб, бегоналашув жараёни кенгаймоқда. Ҳар бир давлат ўз тарбия тизимида ана шу ҳолга эътибор бериши лозимлигини унуттиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бундан ойдек равшан.

Технологик инқилоб оқибатида пайдо бўлиши мумкин бўлган турбулентлик ҳолати айрим одамларда руҳий мувозанат бузилишига олиб келади. Руҳий мувозанат инсон ва турли жамоалар ҳаётининг муҳим шартидир. Афсуски, инсон руҳияти динамика бўлиб, вақти-вақти билан мувозанатини йўқотди — баъзан камроқ, баъзан эса каттароқ даражада. Баъзи ҳолларда инсон руҳини бутунлай назоратдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Бунда инсон ўзини ёмон ҳис қилади. Нотўғри ўйланган иш ёки мажбурий фаолият, вазасалар, оқчўлиқ, заифлик, бепарволик ёки адашши мувозанатни бузади.

Албатта, инсон руҳий мувозанатни бузилиши кўп омилларга боғлиқ. Ҳар бир давлат ўз тарбия тизимида, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда, одамлар руҳий мувозанатини барқарорлаштиришда жамиятнинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан қанчалар даражада барқарорлигига, мамлакатда амалга оширилаётган ишлар, давлат томонидан олиб борилаётган барча соҳалардаги ислохотлар, сиёсий жараёнларнинг фуқаролар манфаатларига қай даражада мувофиқлиги каби омилларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Биз юқорида санаб ўтган омиллар бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида тўлиқ амалга ошяётганини кўриш қийин эмас. Жамиятда ижтимоий адолат тамойиллари тобора кенг қўламда ўзини намоён этмоқда, давлатнинг коррупция ҳолатларига қарши кураши

кўпроқ ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг “касалинаниши” туфайлидир. Ижтимоий тармоқларда ҳар кун тарқалаётган, инсоннинг руҳий, ахлоқий, ҳиссий жиҳатларига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар одамларда руҳий мувофиқликни издан чиқармоқда. Етарли билимга эга бўлмаган, ота-оналар назоратидан четда қолган, миллий қадриятларимизни назар-писанд қилмайдиган одамларда руҳий мувозанат шаклланиши жуда қийин.

Руҳий мувозанатни бузилган шахс одатда ўзини ўзи назорат қила олмайдиган, кўпроқ ижтимоий тармоқларда кўрган, билган нарсаларга эргашади, улардан андоза олади, ноқўё ҳаракатлар қилаётганини сезмайди. Бундай одамни тарбиялаш ўта қийин. Шунинг учун уларни тарбия қилишдан кўра, бу йўлга кирмаслигининг олдини олиш осонроқ.

Тарбия тизимида турбулентлик ҳолати пайдо бўлишига руҳий мувозанат бузилиши билан бирга “шахсият бурчаги” деган ва Ғарбда алоҳида эътибор бериладиган ижтимоий ҳодиса ҳам сабаб бўлади. Ғарб “шахсият бурчаги” одатда бола шахси, ота-она ва ўқитувчи учбурчагидан иборат. Албатта, бундай учбурчак ҳам доим ҳам фаолият кўрсатса, болаларни, ёшларни турли иллатлардан ҳалос этиш, таҳдидлардан ҳимоя қилиш осон кечади. Бироқ глобаллашувнинг тобора кенгайиб бориши, биз юқорида қайд этганимиз каби ёшларнинг жамиятдан бегоналашуви туфайли бундай учбурчак ҳар доим ҳам самара беравермайди.

Бугунги янги Ўзбекистон маънавий ҳаётида турбулентлик ҳолатининг таъсир кучини қайта кўришда Ғарбдаги “шахсият бурчаги”дан фарқли ўлароқ, “ёшлар” — ота-она — ўқитувчи — маҳалла — тўртбурчак кўпроқ самара беради дейиш мумкин. Чунки Ғарбдаги учбурчак, асосан, ёшларни расмий ҳолатларда — оилада, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида тарбиялашни назарда тутди. Бундай ҳолатда боланинг жамоатчилик орасидаги тарбиявий ҳолатини назорат қилиш тизими шаклланиган.

Бизда эса бу жараён янада мукамаллашган. Ёшларнинг жамоат жойлари, маҳаллада юриши-туриши, ўзини тутта билиши билан боғлиқ жараёнлар ижтимоий назорат остида бўлади. Шунинг учун давлатимиз раҳбари масалага алоҳида эътибор қаратиб, “етиллик” бошқарувидан иборат маҳаллани тинчлик, ва оёйсиз-талик пойдевори, ахиллик ва ҳамжихатлик, маърифат ва тарбия кўргони сифатида эъзозламоқда. Бугун ўзбек маҳалласи маънавиятдаги турбулентлик ҳолатини тартибга келтирувчи масканга айланди.

Бугун маънавиятдаги турбулентлик ҳолати бугун дунёни ўз домига тортиб, одамлар, жамиятлар ва давлатларда ижтимоий муаммоларни ескинлаштириб турган бир пайтда янги технологик инқилобнинг одамларни жамиятдан бегоналашувига, руҳий мувозанат ва шахсият бузилишига таъсирини қайайтириш учун ҳамкорликдаги ҳаракатни қучайтиришга жиддий аҳамият бериш талаб этилади.

Масалага шу таҳлил муносабатда бўлишнинг сабаблари бор. Масалан, олимлар тўрттинчи санаот инқилоби шароитида автоматлаштиришга энг кўп ва энг кам мойил касбларни таҳлил қилди. Натижада ижтимоий иш, маданият, тарбия соҳасидаги ҳодимлар, руҳшунослар, археологлар автоматлаштиришга энг кам мойил соҳалар сифатида тан олинди.

Демак, тўрттинчи санаот инқилоби ортга қайтмайдиган жараён экан, ҳар бир соҳа тараққиётга технологик инқилоблар билан ҳамбарчас боғлиқ экан, айтиш мумкинки, автоматлаштиришга кам мойил соҳалар ҳодимларнинг ўз иш фаолиятини самарали ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Маънавий-тарбиявий, маданий соҳалардаги ишлар самараси пастлиги, ижтимоий тарбия соҳасида ишловчилар фаолиятининг кўпинча архаик-консерватив мазмунга эга экани одамлар, айниқса, ёшларда бу тадбирларга оммавий қизиқишни сусайтираётганига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим деб ўйлаймиз. Бу борада Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан қатор жиддий ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Масалан, марказ ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот усулини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, рақамли форматдаги лойиҳаларни қўриб, уларнинг таъсирчанлигига қараб, кўнглингиз кўтарилади. Яқин-яқингача ҳам марказ, асосан, анъанавий йиғилишлар, турли кўнгилочар тадбирлар ўтказувчига айланиб қолган. Энди эса марказ фаолиятининг 70 фоизидан ортиги ижтимоий тармоқлар воситасида, таъсирчан усулларда олиб боришмоқда.

Охирги пайтларда марказ томонидан замонавий, ёшларни ташаббуслар, ислохотларга сафарбар этишга ундайдиган 10 дан ортиқ ижтимоий ролик, сунъий интеллект ёрдамида яратилган анимацион роликларни қўриб кўз қуво-нади, улардаги йигит-қизларни ватанпарварлик, миллий ўзлиқча қорлайдиган гоёлар эса барчада кўтаринкилик руҳини шакллантирмоқда.

Яна бир лойиҳани қўриб, очиги, хурсанд бўлдим: “Ватан” қўшиқлар тўплами яратилиб, ёшларнинг гажетларидан ўрин олган мусиқий платформаларга joyлаштирилибди. Сунъий интеллект ёрдамида ижтимоий роликлар тайёрлаш анъанаси қириб бораётганини алоҳида қайд қилиш керак.

Ҳа, бу дунё рақобатли дунё. Замондан ортда қолгани бугун ҳеч ким кечирмайди. Маданият ва маънавият соҳаларида замонавий, илгор, инновацион усулларда ишлаётган мустақил ижодий гуруҳлар пайдо бўлаётгани, улар ўз фаолиятини ёшларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий-маданий эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ташкил этаётгани ҳам эътиборга молик. Улар рақамли технологиялардан кенг фойдаланяпти. Натижада давлат ва нодавлат маданият, бошқа ижодий ташкилотлар орасида ўзига хос мусобақа бошланмоқда.

Шу маънода, маданият, маънавият, маърифат ва тарбия соҳасида фаолият юритаётган, юқорида айтганимиздек, автоматлаштиришга кам мойил соҳалар ҳодимларнинг янги технологияларни ўрганишга қизиқишини қучайтириш мақсадга мувофиқ. Мазкур соҳа вақилари рақамли технология мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда бўлиши керак. Курашимиз, рақобат қилиш эмас, айнан ҳамкорлик гуманитар соҳада қўтилган самарага яқинлаштиради.

Шунинг ёйда саклаш керакки, ҳамкорлик фақат ишлаб чиқаришга тааллуқли эмас. Ҳамкорлик барча соҳалар учун зарур. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект асосида қилинаётган маънавий-маърифий ишлар масалага инновацион ёндашуви билан одамларни ўзига ром қилиш керак. Бироқ бу жараёнда соф инсоний қарашлар, ўзаро муносабатлар, одамларнинг бир-бирига даражасидаги каби сифатларини топиш мушкул.


Бошқача айтганда, то маънодаги сунъий интеллект, технологик инқилоб туфайли яратилган турли дастурлар инсоний ҳиссиз, қалб кечинмаларидан муайян намоёна узоқ туради. Назаримизда, аввало, биз оладиган ахборот, маълумотлар, билимлар, шубҳасиз, тафаккур тарзимизни бойитиш, билимимизни кенгайтиради. Аммо ўша жараёнлар инсон қалб ҳиссисиятини билан уйғунлашса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки қалб ҳис қилмай ортса, ақл кучи ортди. Бироқ ақл кучи қалбсиз ортса, донолик йўқолади, киши келажакни кўрмай қолади. Донолик фақат ҳис қила оладиган одамда бўлади, лекин ҳис қилолмаган инсон уни “кўролмайди”.

Шу нуқтан назардан, сунъий интеллект, технологик инқилоблар туфайли яратилган асарлар, дастурлар соф инсоний ҳиссисиятлар, қалб қўри билан бойитилса, шубҳасиз, ёшларимиз бир томонлама “кетиб қолиш”нинг олдини олаш, турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш имконига эга бўламиз.

Биз бугун тан олишимиз шарт бўлган ижтимоий, жаҳоний ҳақиқат шунки, тўрттинчи санаот инқилоби натижасида ҳаётимизга жадал, шиддат билан кириб келаётган сунъий интеллект, янги технологик инқилоб барчамизнинг ҳаётга, турмушимиз, қадриятларимизга муносабатларимизни ўзгартирмоқда. Бу ҳали бошланиши. Келажакда юқорида таъкидлаганимиз каби нима бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Маънавиятдаги турбулентлик ҳолатини эътиборга олмасак, гирдобга тушиб қолиш, тартибсиз ҳаёт кечириб хавфидан оғоҳ бўлмасак, янги технология инқилоб томонидан яратилган дастурлар, янгиликларни эътироф этмасак, пировард натижада кўп нарсаларни йўқотамиз.

Шунинг учун янги Ўзбекистонда бу масалага давлат томонидан кенг эътибор берилмоқда. Жойларда ёшлар технопарклари, АТ парклари, “Рақамли технологиялар” ўқув марказлари ташкил этилиб, “Бир миллион дастури” каби ўйлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Президентимиз айтганидек, бугун ёшларимиз илм-фаннинг барча соҳаларида даражада ташлаб, жаҳонда юз бераётган технологик инқилобда фаол иштирок этмоқда.

Маънан бой, мафкуравий иммунитет мустаҳкам, ҳар бир соҳада анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштира олиш имкониятига эга ёшлар билан технология инқилоблар, глобаллашув туфайли муайян маънода пайдо бўлаётган турбулентлик ҳолатини баргараф этиш, турли мафкуравий таҳдидлардан холи бўлиш мумкин.



Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда туризми давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маъмур соҳа билан шугулланувчи тадбиркорларга имтиёзлар яратиш, инфра-тузилмани замон талаблари асосида ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юртимизда тарихий, маданий ва ҳуш-манзара жойлар жуда кўп. Уларнинг негизда туризм масканлари, меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Шунингдек, тартиб-таомиллар соддалаштирилиб, сайёхлик бизнесига қулайлик яратилди. Сайёхлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди. Мухими, бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик муҳим сектори сифатида жадал ривожланмоқда.

Буни кейинги йилларда республика-мизнинг туризм экспорти 1,6 карра ошиб, 3,5 миллиард долларга етгани, соҳада икки минг-дан ортиқ янги тадбиркор иш бошлагани ёки ўтган йили хорижлик сайёхлар ташрифи 10 миллиондан ошгани каби мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бугун ҳудудларда туризм ва сервис инфратузилмаси жуда тез ривожлан-япти. Хусусан, ўтган саккиз йилда соҳага 6,5 миллиард доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган. Аслида, юр-тимиз тарихи, маданиятига асосланиб, бу кўр-саткични 2-3 карра кўпайтириш мумкин.

Хужжатда туризм салоҳияти кенг ҳу-дудлар, яъни Сурхондарё, Қашқадарё ҳам-да водий вилоятларининг бу йўналишдаги имкониятларидан самарали фойдаланиш белгиланган. 2030 йилгача туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари мус-таҳамланган. Туризмнинг янги ички маҳсу-лотдаги улушини 3,5 фоиздан 7 фоизга, чет эллик сайёхларнинг йиллик сонини 20 мил-лион нафарга етказиш, шу жумладан, тўлов қобилияти юқори бўлган сайёхлар оқимини кўпайтириш, туризм хизматлари йиллик экс-порти ҳажмини 6 миллиард доллардан оши-риш шулар жумласидан.



Ушбу натижаларга эришиш учун туристик шаҳарларимиз ўртасидаги транспорт боғла-нишини яхшилаш, ички авиақатновлар со-нини кўпайтириш ҳамда йўлга сарфланадиган вақтни камида 3 баравар қисқартириш, 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналар сонини 2 баравар ошириш, туристик хизмат ва маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали республика-нинг туристик салоҳиятини тўлиқ ишга со-лиш, Ўзбекистоннинг жаҳонда кенг танила-диган туристик брендини яратиш ва миллий



Ўтган саккиз йилда соҳага 6,5 миллиард доллар сармоя киритилиб, 130 мингта меҳмон ўрни очилган. Аслида, юртимиз тарихи, маданиятига асосланиб, бу кўрсаткични 2-3 карра кўпайтириш мумкин.

ҳисобланади. Қўмита Ўзбекистон ҳудудига кириш учун визасиз режим жорий этилади-ган давлатлар рўйхатини кенгайтириш, Ўз-бекистон ҳудудига кириш ва унинг ҳудудида бўлиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш чораларини кўради. — Хужжатда 2026 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини 2040 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган, — дейди Туризм қўмитаси бошқарма бош-лиғи ўринбосари Шоҳруҳ Жалолов. — Ушбу стратегия лойиҳасида асосий эътибор ҳу-дудлар инфратузилмасини ривожлантириш, туризм турларини кенгайтириш ҳамда хиз-мат кўрсатишни яхшилашга қаратилади. Шу билан бирга, “Туризм ислохотлари штаби”

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир манзил

МАҲАЛЛА ДРАЙВЕРИ —

Киши бир дардга йўлиқмасин экан. Донишмандлар “Саломатлик — туман бойлик”, дея билиб айтган. Шу пайтгача Бозорбой ота беморлик нималигини билмас эди. Ҳар доим унинг дадил юришини кўрганларнинг ҳаваси келарди. Гоҳида югуриш бўйича ёшларни ҳам ортда қолдирарди.



Энди эса негадир кайфияти тушиб, ишта-ҳаси йўқолди. Ҳолсизланиб, ҳаракати суствла-шиб қолди. Бир оз шамолладим дея ўйлади. Аммо бу дард ўтиб кетадиганга ўхшамади. Шифокорга учрашишга мажбур бўлди. Бир қатор текширувлардан ўтди. Хулоса эса унда гепатит касаллиги борлигини кўрсатди.

Бир оз вақт ўтиб, Бозорбой ота дардига туя сутти яхши даво экани ҳақида эшитди. Яқин атрофдан суриштириб, фарзандлари туя суттини топиб келди. Бир муддат қанда қилмай туя суттини ичди. Кўп ўтмай тиббий кўрикка борди. Натига яхши чиқди. Бундан кўнгли ёришиб, туя сутти ичишда давом эт-диган бўлди. Аммо уни доим топиб келишга вақт ҳам, нақд ҳам керак. Шунда масалага осонроқ ечим излади. Ўйлаб кўриб, ўзи туя суттиб оладиган бўлди.

Муборак тумани чўл ҳудуд. Шу боис, бу ерда азалдан туя кўп боқилган. Бозорбой ота яшайдиган Қорақум маҳалласида ҳам бир

ДАРДГА ДАВО,  
РЎЗҒОРГА ДАРОМАД



ишга киришиб, банкдан кредит олди. Эвазига туялар сонини кўпайтирди. Тадбиркорликни бошлаб юборди.

— Бу йўналишда иш бошлаганимизга 10 йилдан ошди, — дейди Бозорбой ота Тўх-таев. — Бошида ўзим учун битта сотиб ол-гандим. Кейин иккита, банкдан кредит олиб, яна учта туя харид қилдик. Ҳозир бир кунда 8 та туядан 35-40 литрга яқин сут соғиб ола-миз. Бир литр сут 15 минг сўм. Кўнига олти-етти юз минг маблаг келтирмоқда. Яқин орада яна 6 таси туғиш арафасида. Бу хизмат тури

қўл келди. Аввал меҳмонлар кунлик қатнаб туя сутти ичиб кетарди. Ҳозир бемалол меҳ-монхонамизда ётиб, сут ичиш мумкин бўлди. Бугунги кунда нафақат юртимизнинг турли вилоятларидан, балки қўшни давлатлардан ҳам меҳмонлар келяпти. Айни пайтда туяла-римиз сони 35 тага етди. Келгусида янги лой-иҳани ишга тушириб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Чўл ҳудудига мослашган бу жонивор-лар касалликларга ҳам чидамай. Улар озуқа танламайди. Ҳар қандай шароитда яшаб ке-таверади. Ҳозир хўжалиқдаги ишларни асо-сан Бозорбой отанинг ўғли Шерзод Тўхтаев юритади. Унинг турмуш ўртоғи эса туяларни соғишга масъул.

— Бу жонивор ўзи баҳайбат кўрингани билан аслида жуда ювош ва беозор, — дейди Шерзод Тўхтаев. — Бошида биз ҳам хаво-тирда бўлгандик. Айниқса, соғиш жараёнига мослашиш осон кечмади. Лекин тез орада уларни қўлга ўргатиб олдик. Ҳозир қайси қанча сут беришини ҳисси биламиз. Ҳар би-рини лақаби билан қақирамиз. Уларга қанча меҳр берсангиз, сизга шунча тез ўргана-ди. Кичик ёшли фарзандларим ҳам етаклаб

кетаверади. Хуллас, оилавий меҳнат қиламиз. Даромадимиз ёмон эмас. Ўн кишини иш би-лан таъминлаганмиз. Истеъмолчилар ҳам, биз ҳам мамнунмиз.

Бозорбой ота Тўхтаев бошлаб берган туя-чилик йўналиши бугун Қорақум маҳалласи драйверига айланган. Шу орқали аҳоли банд-лиги таъминланиб, ишсизлик даражаси анча камайди.

— Жорий йил бошида маҳалламизда кам-бағаллик даражаси 7 фоиз эди, — дейди “Қо-рақум” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Шухрат Қўлобоев. — Ҳозир 5,5 фоизга тушди. Йил якунида 5 фоиз бўлиши режа қилинган. Ма-ҳалламиз Қарши — Бухоро магистрал йўли ёқасида жойлашган. Шу сабаб хизматлар со-ҳасини ташкил этиш учун қўлай бўлмоқда. Натигада аҳолининг туячилик ортидан яхши даромад топтомоқда. Мисол учун, қатта йўл машина билан тўла. Йўловчилар шу ерда тўх-таб, янги соғилган туя суттидан ичиб кўришга қизиқади. Бундан ташқари, бошқа нарсалар ҳам харид қилишади. Ўзи билан сут сотиб олиб кетади. Кўпинча хорижлик меҳмонлар ҳам тўхтаб, жараён билан қизиқади. Сурапта тушади. Сут, қатикдан ичиб кўради. Албатта, бирор нарса харид қилмасдан кетмайди. Бу эса хизмат кўрсатувчилар иши янада ривож топишига сабаб бўлмоқда.

Бозорбой бобонинг ташаббуси бугун кенг қўл оч эган. Натигада аҳолининг асосий қис-ми туя суттидан даромад топапти. Маҳаллада 55 та хонадон туячилик билан шугулланмоқ-да. Бугун ҳудудда жами 200 тадан ортиқ туя боқилляпти. Бир кунда битта хонадон ўртача 200-250 минг сўмлик сут сотади.

Келгуси йилда бу кўрсаткичи янада ортиб, сут ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпаяди. Бун-дан ташқари, янги лойиҳалар амалга оши-рилиб, қорвачиликнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам хизмат турлари ташкил этиш мақ-сад қилинган. Бу ҳам маҳаллада камбағаллик даражасини янада камайитиришга замин яра-тади.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири